

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат

Хар йили “Daewoo Textile” Корхонаси, ишчиларни меҳнати ва Корхона ривожига қўшган улкан хиссаси учун рағбатлантириб келади. Мазкур йилда Корхонанинг 13 нафар энг илғор ходимлари Корхона Президенти томонидан Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш имкониятини қўлга киритишиди.

Хафталик саёҳат дастури (13.07.2018 - 20.07.2018) Бухоро, Самарқанд, Чимён, Чорвоқ сув омбори, Тошкент, Кўқон, Риштон, Фарғона и Марғилон шахарларининг тарихий ва диққатга сазовор жойларини ўз ичига олди. Саёҳат машҳур тур агентликларидан бири бўлган “ANUR TOUR” томонидан ташкил этилди.

Саёҳат Бухородан бошланди. Бизнинг ходимларимиз тарихий Бухоро шаҳрида ушбу вақт ичида шахарнинг барча диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишга, бухороликлар анъаналари, маъданияти билан танишишга, сон саноқсиз сувенирлар ва хунармандлар ишларини томоша қилишга улгуришиди.



Шу билан биргаликда ишчиларимиз Бухородалик вақтларида «Daewoo Textile» Корхonasiga ташриф буюрдилар. Корхона офиси иш жараёни ҳамда йигирув ишлаб чиқариш жараёни билан танишишиди.

Бухородан сўнг эскурсия Самарқанд шаҳрида давом этди. Ишчиларимиз, Самарқанд шаҳрида малакали гид ҳамрохлигида шахарнинг дунёга машҳур тарихий мадрасалирини, мақбараларини зиёрат қилишиди. Ўрта Осиё халқининг илм ва санъат бобидаги ривожланиш йўллари билан яқиндан танашишиди. Шу билан бирга Узбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримовнинг Самарқанд шаҳридаги макбарасини зиерат қилишиди.

Бизнинг ходимларимиз Тошкентдан бир неча километр нарида жойлашган Чимён ва Чорвоқ сув омборига ташриф буюришиди. Чимён Ўзбекистоннинг энг ноёб ва чиройли жойларидан бири бўлиб, Чорвоқ сув омборида кўплаб



пансионатлар, дам олиш хоналари ва болалар учун ёзги лагерлар мавжуд.



Тошкент бўйлаб экскурсия: Амир Темур майдони, Навоий балет ва опера театр майдони, Амалий санъат музейи, Мустақиллик майдони ва Жасорат ҳайкали - 1966 йилги зилзила қурбонлари учун йодгорлик; Шаҳарнинг эски қисмида Абулқосим мадрасаси ва Алишер Навоий номидаги миллий боғи, шунингдек, Тошкент шаҳридаги Диний Хасти-Ином мажмуаси мавжуд.

Кўйкон бўйлаб экскурсия: XIX аср Худоёрхон саройи, Жомий масжиди, Норбут-бия мадрасаси, Модарихон мақбараси - Хоннинг барча аёллари учун мақбарадир. Экскурсия Риштонда давом эттирилди - шаҳар қадим замонлардан буён кулолчилик билан машхур.

Шу билан биргалиқда ишчиларимиз

Фарғонага келган вақтларида «Daewoo Textile» Корхонасига ташриф буюрдилар. Корхона
офиси иш жараёни ҳамда йигирув
ишлаб
чиқариш жараёни билан танишишди.



Кейин Марғилон шаҳри маҳаллий бозорга кириб, сўнгра "Ёдгорлик" шойи фабрикасига ташриф буюришди. У ерда анъанавий "Икат" нақшлари билан безалган ипак матолар ишлаб чиқариш жараёнини билан танишиб чиқиши имкониятига эга бўлишди.

Саёҳатнинг барча иштирокчилари Ўзбекитоннинг кўзга кўринган жаҳонга машхур жойларини зиёрат қилиш имкониятини, қолаверса мамлакатимиз

тарихини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам берган Корхона маъмуриятига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Корхона раҳбарияти ўз томонидан ишдаги юқори кўрсаткичлари учун ходимларни рағбатлантириш дастурини ривожлантиришга харакат қиласди.

